ИСЛОМШУНОСЛИК

Д. Раҳимжонов

Самарқандда ҳадис илми ривожига ҳисса қўшган олимлар

Самарқанд дунё маданиятига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган энг қадимий цивилизация марказларидан биридир. Хитой билан Европани, Ҳиндистон билан Шимолий мамлакатларни қадимий савдо йўллари билан боғлаб турган Буюк Ипак йўлида жойлашган Марказий Осиё шаҳарлари орасида ўз маданиятининг қадимийлиги билан Самарқанд энг аввалги ўринларда туради [5: 6].

Самарқандга ҳадис илмининг кириб келиши ислом динининг илк даврда бу минтақада тарқалиши билан боғлиқ. Марказий Осиёга арабларнинг кириб келиши илк даврда маҳаллий аҳоли томонидан ҳарбий тўқнашувлар, турли исён ва ҳаракатлар билан кутиб олинди. Аммо ислом динининг маърифат, янги маданият, илм-фан сифатидаги бу ўлкага кириши илм аҳли, яъни муфассир, муҳаддис, мутакаллим, фақиҳ олимлар томонидан амалга оширилди. Хусусан, ҳадис илми уламолари – муҳаддислар ислом маърифатининг Самарқандда ривожланишига катта ҳисса қўшдилар [6: 48].

VIII–IX асрларда Мовароуннаҳрнинг энг йирик илм марказларидан бири Бухорода фиқҳ илми кенг ривожланган бўлса, Самарқандда ҳадис ва калом илмлари кўпроқ тараққий этди. Самарқандга ҳадис илми асосларининг кириб келиши шаҳарда муқим ҳолда яшай бошлаган араб-мусулмонлар жамоаси билан ҳам бевосита боғлиқ. 712 йили Қутайба ибн Муслим араб қўшинларини Самарқанд аҳолисининг уйларида жойлаштирди. Самарқанд ихшиди Ғурак шаҳристонни араб горнизонига бўшатиб берди ва ўзининг қароргоҳини Иштихон шаҳрига кўчирди.

Самарқанд илмий муҳити тарихи бўйича асар ёзган Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) ўзининг «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд уламолари зикри бўйича қанддек ширин китоб») асарида [2: 622] Мовароуннаҳрга биринчилардан бўлиб кирган кишилар ривоят қилган бир қатор ҳадисларни келтириб, уларнинг бу ердаги илк муҳаддислардан эканини таъкидлайди. Самарқандда илк даврда араб саркардалари *марфуъ* ҳадислар, яъни Пайғамбар алайҳиссалом томонидан айтилган сўзлардан кўра кўпроқ саҳоба, тобиий, халифа, ҳокимларнинг айтганларини хабар

сифатида ривоят қиладилар. Баъзан ушбу тарихий шахсларнинг сўзлари ҳикматли мақоллар сифатида ривоят қилинади. Бу эса ислом динининг вақт ўтган сайин маҳаллий халқлар ҳаётига янада чуқурроқ кириб борганини кўрсатади.

Самарқандда ҳадис илмининг илк даврда ривожланишига асос солган олимлардан бири Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм Фазорий Самарқандий (ваф. 823 й.) ва унинг оилавий сулоласи хизматларини таъкидлаш лозим. «Китоб ал-қанд» асарининг 25 дан ортиқ жойида Абу Муқотил Самарқандийнинг номи зикр этилади. Абу Саъд Самъоний Марвазий ўзининг «ал-Ансоб» асарида ҳам Абу Муқотил Самарқандий ва унинг шогирдлари ҳамда авлодларининг ҳадис илми тараққиёти йўлидаги хизматлари ҳақида алоҳида сўз юритади. Илм йўлида оилавий сафарбарлик қилиш самарқандлик муҳаддисларга хос хусусият эди. Бу шаҳарда яна кўплаб сулолавий муҳаддис оилалари бўлиб, улар бу ватанда илм-маърифат тарқатишда ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар. Абу Муқотил Самарқандий ва унинг авлодлари ҳанафий мазҳабига хос бағрикенглик таълимотининг ўлкамизда кенг тарқалишига катта ҳисса қўшганлар. Унинг авлодлари кейинчалик нафақат Самарқандда, балки бутун Мовароуннаҳрда маънавият тараққиёти учун хизмат қилдилар [1: 315, 317].

Самарқандда илк ислом даврида бундан ташқари жуда кўп сулолавий муҳаддис оилалари бўлиб, улар бу ватанда илм-маърифат тарқатишда ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар.

Тез орада ҳадис илмида тажриба орттирган самарқандликлар ўз мактаби анъаналарини бошқа минтақаларга ёя бошладилар. Масалан, биринчилардан бўлиб Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий Марв шаҳрида ҳадислар ривоят қилди [3: 106–107].

Самарқанд жамоасида ҳадислар сони орта боргач, уларни танқидий ўрганувчилар сафи ҳам кенгайди. Масалан, Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ас-Самарқандий (в. 909 й.), Абу Ғолиб Зоҳид ибн Абдуллоҳ ас-Суғдий (в. 933 й.) ҳамда асли бухоролик бўлиб, Самарқандда яшаган Зоҳир ибн Холид ибн Амр ал-Варроқ, фаолиятларида *илм ал-жарҳ ва-т-таъдилга* хос жиҳатлар мавжуд бўлганлигини кўрамиз [4: в. 66^{б}; 2: 60–61]. Аммо Абу Ҳафс Насафий асари шаҳар муҳаддислари орасидаги кескинлик, қатъий мухолифатлик кайфиятларини кам акс эттиради. Бу шаҳарга танқидчилар кўпроқ четдан келганликларининг шоҳиди бўламиз. Улар орасида Абу Саид Халаф ибн Сулаймон Насафий (в. 912 й.), Имом ат-Термизийнинг шогирди Абу Сулаймон Довуд ибн Наср ал-Паздавий (в. 934–935 й.), Абу Аҳмад Бакр ибн Муҳаммад ал-Марвазий (в. 959–960 й.) ва Абу Усмон Саид ибн Иброҳим ар-Раис Насафийлар (X аср) зикр этилади [2: 28–29, 43, 87–89; 4: в. 20^{а}].

Заиф ва ишончсиз ҳадисларни танқид қилиш билан бир қаторда саҳиҳларини мажмуаларга йиғиш жараёни ҳам бошланиб кетди. Бу соҳада олимлар турли йўналишларда иш олиб бордилар. Саҳиҳ ҳадисларни жамлаб, сўнг бутун ислом оламида шуҳрат қозонган самарқандлик муҳаддисларнинг муҳими ва биринчиси Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Баҳром ибн Абдуссамад Доримий Ҳофиз Самарқандийдир (в. 869 й.).

Имом Доримий суннийлар орасида энг обрўли саналган тўққиз ҳадис тўпламлари орасида эътироф этилган «ал-Муснад» мажмуини таълиф этди. 798 йили Самарқандда дунёга келган бу олимга шу йили Абдуллоҳ ибн Ҳумайд Самарқандга волий бўлиб келганлиги шарафига Абдуллоҳ деб ном бердилар. Доримий нисбаси эса унинг бобоси Бану Дорим қабиласининг мавлоси бўлганлигидан дарак беради [1: II. 441–442]. Имом Доримийнинг Самарқанд ҳадис мактаби учун аҳамиятини Абу Ҳафс Насафий ўз асарининг 52 жойида зикр этиши ҳам кўрсатади.

Имом Доримий илк таҳсилини Самарқандда олиб, сўнг у Мовароуннаҳрдаги бошқа илм марказларига ҳам ўз илмини оширди. Шунингдек, олим Хуросон, Бағдод, Куфа, Восит ва Басра шаҳарларига бориб, у ердаги машҳур кишилардан таълим олди. Дамашқ, Ҳимс (Хомс) шаҳарларининг аҳли илмлари билан учрашди. Абу Ҳафс Насафий унинг Ҳижозда Макка ва Мадина аҳли илмларидан ҳам таълим олганининг хабарини беради. Сафар давомида жамлаган илм дурдоналарини ватани Самарқандга олиб келиб, бу ердаги толиби илмларга улашди.

Имом Доримий фақат Самарқандда эмас, балки бутун ислом оламида ҳадис илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим сифатида катта шуҳрат қозонди. Ҳижоз ва Мағриб сафарларида бўлган дабусиялик муҳаддис Зулайм ибн Ҳутайт (в. 866 й.) шундай дейди: *«Мен Мағриб ноҳияларидан қайси бирига кирган бўлсам, ўша ерда Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмоннинг номи Самарқанддагидан ҳам кўра машҳурроқ эди»* [2: 170, 172–173].

Имом Доримий ўзидан кейин ҳадис илмида пешқадам бўлган шогирдларини қолдирди. Улардан бири Абд ибн Ҳумайд Кашший Доримийни ўз устози дея зикр этиб: *«Дунёда Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон каби киши йўқдир»,* деб таърифлайди. Аҳмад ибн Ҳанбал мовароуннаҳрлик бир кишига уч бора *«сенга ўша саййидни тавсия этаман»,* деб унинг Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмондан сабоқ олишга ундайди. Бу эса кўзга кўринган муҳаддислардан бўлган Аҳмад ибн Ҳанбал Доримийнинг ишончли муҳаддис эканлигига ва илмда беназир бўлганлигига ҳамда ҳадис илмини мукаммал эгалламоқчи бўлган киши ундан илм олиши лозимлигига ишора қилганлигини кўришимиз мумкин. Машҳур муҳаддис Абу Муҳаммад Ражо ибн Муражжо Ҳофиз Марвазий (в. 863 й.) айтади: «*Мен Аҳмад ибн Ҳанбални, Исҳоқ ибн Роҳувайҳни, Али ибн Мадинийни, Шозкунийни кўрдим,*

аммо улар орасида Абдуллоҳдан кўра ҳофизроқ кишини учратмадим». Яна у айтади: *«Мен Шом, Миср, Ҳижоз, Яман, Ироқ элларини кездим, аммо Абдуллоҳ каби кишини учратмадим».*

Исҳоқ ибн Роҳувайҳ айтади: *«Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ўз олдидаги ва бошқалар олдидаги нарсаларни ёдлаб олар эди».* Ибн Аби Шайба айтади: *«Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон уч нарсада – хотира, ақл ва босиқликда биздан ўзиб кетди».* Абдуллоҳ айтарди: *«Мен қалбимга нимани ишониб топширсам, у менга хиёнат қилди». Абу Зуръа ар-Розий айтади: «Кишилар менга сифатлаган одамни кўрганимда, доимо улар тавсифланганидан камроқ бўлиб чиқарди, аммо Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон эса менга тавсифланганларидан ҳам ортиқроқ бўлиб чиқди».*

Бир куни Яҳё ибн Аксам ҳузурида Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ва Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Самарқандий ҳақида сўз кетганида у сўради: *«Қайси бирлари ҳофизликда устунроқ деб ўйлайсизлар?». Бир киши деди: «Муҳаммад ал-Бухорий».* Яҳё деди: *«Кўпчилик Муҳаммад ва Абдуллоҳ ҳақида сукут сақлаганлар, сизлар Абдуллоҳни билмайсизлар, у устунроқдир».* Бу суҳбатдан Имом Доримийнинг Имом Бухорийдан кам бўлмаганлиги кўринади.

Қутайба ибн Саид Бағлоний айтади: Хуросон ҳофизлари – Исҳоқ ибн Роҳувайҳ ундан кейин Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ундан кейин эса Муҳаммад ибн Исмоилдир. Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Молик айтади: *«Абдуллоҳни яхши ўрганиб билдимки, Аллоҳ йўлида уни ҳеч ким маломат қила олмайди».* Бу сўздан Имом Доримийнинг нафақат илмда, балки тақво ва одобда ҳам беназир бўлганлигини кўрсатади.

Абу Шаддод айтади: *«Дарҳақиқат, Абдуллоҳ ҳадисда бир денгиздир». Али ибн Ҳукайм айтади: «Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон имомлардан биридир». Аҳмад ибн Алавия айтади (кўринишидан, у Доримий билан бирга сафарда бўлган): «Биз Бағдод ва Райдан чиқмасимиздан ноҳиялардаги уламолар Абдуллоҳнинг ҳузурига келардилар. Нишопурда унинг ҳузурига биринчи келган киши Исҳоқ ибн Роҳувайҳ бўлди* [2: 172–174].

Имом Доримий шунингдек, ўзига тенгдош бўлган Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъин, Али ибн Мадиний, Ибн Хайёт каби олимлардан ҳам кўп нарсаларни ўрганди.

Имом Доримийдан машҳур муҳаддислар Муслим, Абу Довуд, Термизий, Муҳаммад ибн Башшорлар ҳадис ривоят қилишган. Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Ийсо ибн Умар ас-Самарқандийлар эса, у зотдан ҳадис илмини сабоқ олишган.

Имом Доримий ҳижрий 255 йил зу-л-ҳижжа ойининг иккинчи пайшанбасида аср намозидан сўнг вафот этди. Жума куни ҳайит арафасида дафн этилди. Бу милодий 869 йил 16 ноябр кунига тўғри келади.

Самарқандда иккинчи бир машҳур ҳадис тўплами – «ал-Жоме ва-р-риқоқ» асарининг муаллифи Абу Муҳаммад Ражо ибн Муражжо Ҳофиз Марвазийдир (в. 863–864 й.). У Самарқандга келиб, «Сиккат ал-Лайс» кўчасида манзил қилган. У Шошда бўлган ва Самарқанддан Марвга қайтган. Ал-Марвазий ўзи ҳақида гувоҳлик беришича, Шом, Миср, Ҳижоз, Яман, Ироқ юртларида бўлган ва илм аҳли билан кўп суҳбатда бўлган. Олим Бағдодда вафот этган. У кўп асарларнинг, жумладан, «ал-Жоме ва-р-риқоқ» асарининг муаллифидир. Ал-Марвазий ан-Надр ибн Шумайлдан ва Ироқ ҳамда Хуросон улуғларидан ҳадислар ривоят қилган. Ундан Абу Ҳафс Бужайрий ва Самарқанд ҳамда Хуросон муҳаддислари ривоят қилганлар [2: 52–53].

Илк ҳадис тўплами тузганлар қаторида Абу Исҳоқ Иброҳим ибн ас-Сари Ҳаравийдир. У Самарқандга келиб яшади, вафот этди ва «ар-Радрод» мақбарасига дафн этилди. Унинг бизгача етиб келмаган тўплами «Китоб жазо ал-аъмол» деб аталади [4: 59ª].

VIII асрда тузилган илк ҳадис тўпламларидаги ҳадислар мавзу ва бобларга ажратилмаган бўлса, IX асрга келиб тузилган тўпламлар саҳиҳлик бўйича анча кучли, мавзулар тартибга солинган ва фойдаланиш учун қулай ҳолатга келди. Буни Имом Бухорийнинг «ал-Жоме ас-саҳиҳ» асари мисолида яққол кўриш мумкин. Бу тўпламлар орқали умуман ислом оламида ҳадис илмининг тараққиёти, хусусан Мовароуннаҳрдаги бу илмнинг ўша даврга қадар бўлган ривожи ҳақида маълумот олиш мумкин. Аммо, бундан ташқари, ҳадис тўпламлари шаклида эмас, балки тарихий-биографик жанрда ёки фиқҳий услубда ёзилган асарлардан ҳам ҳадис тўпламлари сифатида фойдаланиш мумкин. Чунки бу асарлар ўз ичига кўплаб ҳадисларни олган.

Самарқандда биринчилардан бўлиб Имом Бухорийнинг «ал-Жоме ас-саҳиҳ» асарини ривоят қилганлар орасида Абу Наср Аҳмад ибн Муҳтож Насафий (в. 980 йилдан сўнг Самарқандда) бор эди [4: 59ª].

Ислом дини бу ўлкага кириб келишидан аввал Самарқанд аҳолиси Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби турли табақалар ва касб-кор эгаларидан иборат эди. Бу шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ва савдо-сотиқ минг йиллар давомида тараққий этиб келган [7: 98].

Муҳаддислар номига уларнинг касб-корига нисбат бериб қўшилган нисбий сифатлари уламоларнинг ҳалол меҳнат, бирор касб-кор билан кун кечиришни ўзларига лозим тутганларидан дарак беради. Улар орасида тижоратчилар, косиблар, зиёлилар ва давлат иши билан шуғулланган аъёнлар бор эдилар. Ўша даврда ҳадис ва муҳаддисларнинг обрўсидан фойдаланишни кўзлаган ғараз мақсадли кишилар ҳам мавжуд эдики, улар ўз манфаатларини акс эттирган сохта ҳадисларни тарқатиш ёки одамлар орасида турли йўллар билан муҳаддис номини орттириш билан моддий

фойдани кўзлар эдилар. Ана шундай бир вақтда муҳаддислар ўз фаолиятларнинг беғараз бўлиши, илм моддий фойданинг манбаи бўлмаслиги учун бирор бир касб-кор билан шуғулландилар ва ўз ҳаётий эҳтиёжларини ҳалол меҳнат орқали қондирдилар.

Муҳаддислар номига *баззоз* (бўзчи), *тожир* (тижоратчи), *варроқ* (қоғозфуруш), *фавокиҳий* (мевафуруш), *фарро* (теричи), *аббор* (нинафуруш), *қаттон* (пахтафуруш), *хаффоф* (махсидўз), *нажжор* (дурадгор), *ғаззол* (ип йигирувчи) каби номларнинг қўшилиб келиши уларнинг мазкур касб билан шуғулланганларини кўрсатади. «Ал-Ансоб» асарида «ғаззол» (ипфуруш) лақаби билан олти муҳаддиснинг номи келтирилади [1: 289–290]. Улар орасида Абу Масъуд Саъид ибн Хушном Ғаззол Самарқандий ва Муҳаммад ибн Саҳл Ғаззол Самарқандий (IX аср) каби муҳаддислар бор [2: 74–75, 133].

Илм аҳлининг ҳалол касб-кор билан шуғулланиш анъанаси Баҳоуддин Нақшбанд (ваф. 1389 й.) илгари сурган «Дил-ба ёр-у, даст-ба кор» («Кўнгил Худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин») деган тамойил билан янада ўз ривожини топди.

Минтақага ҳадисларнинг кириб келиши илк арабларнинг кириши билан бўлган бўлса, кейинчалик бу соҳанинг ривожланишида маҳаллий олимларнинг хизматлари катта бўлди. Илк даврда муҳаддислар ҳаракатида танқидий ёндашув устувор бўлди. Мўътабар ҳадис тўпламларининг пайдо бўлиши, тарқалиши муҳаддисларнинг мавқе ва нуфузларини янада мустаҳкамлади. Муҳаддислар султони Имом Бухорийнинг ўз умри охирида Самарқандга йўл олиши ҳам ўша даврда бу шаҳарда ҳадис илмининг маркази бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ал-Ансоб: Т.II, IV / Абдуллоҳ Умар ал-Борудий таҳрири остида. Байрут, 1419/1998.

2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форёбий таҳрири остида. Саудия Арабистони, 1991.

3. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳоди таҳрири остида. Теҳрон, 1999.

4. Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Самарқандий. Мунтахаб Китоб ал-қанд. Париж. Франция миллий кутубхонаси. Араб қўлёзмалари фонди. Қўлёзма № 6284.

5. Каттаев К. Таржимондан // Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия / Сўзбоши, изоҳ ҳамда форс-тожик тилидан таржима муаллифи – Комилхон Каттаев. Самарқанд, 1994.

6. Марказий Осиё маданияти ва санъати: Илм-фан // Мозийдан таралган зиё. Тошкент, 1998.

7. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фан. Номз. ... дисс. Тошкент, 2003.

Д. Раҳимжонов

Самарқандда ҳадис илми ривожига ҳисса қўшган олимлар

Мақолада Марказий Осиёда ўзининг бой қадимий тарихига эга бўлган Самарқанд шаҳрининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни кўрсатиб берилган. Самарқандлик муҳаддис-уламоларнинг нафақат бу шаҳар, балки минтақа ва бутун ислом олами маънавий тараққиётига қўшган ҳиссалари ёрқин далиллар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *Самарқанд, Буюк ипак йўли, ҳадис илми, фиқҳ илми, маънавият, ривоят, хабар.*

Д. Рахимджанов

Ученые, внесшие вклад в развитие науки хадис в Самарканде

В статье показан роль древнего города Самарканда в развитии науки хадис в Центральной Азии. Также на основе достоверных источников освещается вклад местных ученых-мухаддисов в развитие духовности не только в этом городе, но и во всем исламском мире.

Ключевые слова: *Самарканд, Великий Шелковый путь, наука хадис, наука фикх, духовность, нарративы, предания.*

D. Rakhimdjanov

Scholars contributing to the development of hadith science in Samarkand

The article highlights the role of the ancient city of Samarkand in the development of the science of *hadith* in Central Asia. It also presents the reader

with extensive evidence on the contribution of local *muhaddiths* to the spread of spirituality not only in this city, but also throughout the Islamic world.

Key words. *Samarkand, the Great Silk Road, (the science of) hadith, (the science of) fiqh, spirituality, narratives, traditions.*